



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 19 март, № 55 (8950)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЕВРОИТТИФОҚ БИЛАН КЎП ҚИРРАЛИ МУНОСАБАТЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 март куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Европа Иттифоқининг Халқаро ҳамкорлик бўйича комиссари Йозеф Сикела бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Сўхбат аввалида Европа Иттифоқининг юқори даражали вакили давлатимиз раҳбарига Европа комиссияси президенти Урсула фон дер Ляйен ва Европа кенгаши раиси Антониу Коштаннинг саломини ва энг эзгу тилакларини етказди.

Кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорлик, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳаларда жадал ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Уни изчил кенгайтириш учун катта имконият ва салоҳият мавжудлиги таъкидланди.

Ўзбекистон ва ЕИ ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги янги битимнинг тез фурсатда имзоланиши ҳам бунга хизмат қилади.

Транспорт ва логистика, энергетика, рақамлаштириш, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, бошқа устувор йўналишларда қўшма лойиҳа ва дастурларни илгари суришдан икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Ўта муҳим минерал ресурсларни қайта ишлаш соҳасида ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда жорий йил апрель ойи бошида Самарқанд шаҳрида “Марказий Осиё — ЕИ” биринчи саммити ва Иқлим форумини ташкил этиш ҳамда ўтказиш жихатлари кўриб чиқилди.

Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

18 март куни Тошкент шаҳрида
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини
давом эттирди.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Ялпи мажлисининг иккинчи иш куни сенаторлар томонидан дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё тараққиёт банкни таъсис этиш ҳақидаги Битимга (Остона, 2006 йил 12 январь) қўшилиши тўғрисида”ги қонунни кўриб чиқишдан бошланди.

Битимнинг асосий мақсади — инвестиция фаолияти орқали унга қўшилган иштирокчи давлатларнинг иқтисодий ўсишига ва улар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга қўмаклашиш.

Мазкур ҳужжатга кўра, ушбу банк ўз фаолиятини халқаро шартномалар, халқаро ҳуқуқ, умумэътироф этилган банк фаолияти тамойиллари ва меъёрларига мувофиқ амалга ошириши, шунингдек, банк Низоми ушбу Битимга ило-ва қилинган ҳолда тасдиқланиши назарда тутилган.

Шунингдек, банк Низомида Евроосиё тараққиёт банки фаолияти, мақсад ва вазифалари, функциялари, имтиёзлари, устав капитали ва унга обуна бўлиш шартлари ҳамда банк бошқарувида оид тартиб-қоидалар белгиланган.

Бундан ташқари, Евроосиё тараққиёт банки иштирокчи давлатларнинг иқтисодиёти ва молиявий бозорлари ҳолати, уларнинг инвестиция имкониятлари, пул-кредит ва валюта муносабатлари, банк ва валютани тартибга солиш соҳасидаги қонунчилик нормалари тўғрисидаги маълумотларни тўплаши, тизимлаштириши ва таҳлил қилиши белгиланмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг Евроосиё тараққиёт банкига аъзо бўлиши учун ҳуқуқий асос яратишга, унинг фаолияти доирасида тўлиқ ва

самарали иштирок этиш ҳуқуқини таъминлашга, шунингдек, банкка аъзо давлатларнинг иқтисодий ўсишига қўмаклашишга, савдо-иқтисодий алоқаларини кенгайтириш ва инвестиция фаолияти орқали Евроосиё ҳудудида интеграция жараёнларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Муҳокама якунида сенаторлар томонидан қонун маъқулланди.

Ялпи мажлис давомида “Ўзбекистон Республикаси билан Қирғиз Республикаси ўртасида озолиқдан маҳрум этилган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисидаги Шартнома (Тошкент, 2024 йил 18 июль) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун кўриб чиқилди.

Шартноманинг асосий мақсади маҳкумлар жазони ўз фуқаролиги бўлган давлатда, яъни ўз Ватанида, олиаси яқинида ўташ имкониятини яратишга қаратилган. Шартномада жазо муддатини ўтаётган маҳкумларни ҳукмни ижро этиш учун ўз давлатига топшириш асослари, шартлари ҳамда тартиблари аниқ кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, мазкур ҳужжатда маҳкумни топшириш билан бўлиқ харажатлар, низооларни ҳал қилиш, икки томонлама алоқа тиллари, Шартномага ўзгартириш киритиш ҳамда унинг қучга кириши каби муҳим масалалар ўрин олган. Шартномада Ўзбекистон ва Қирғизистон бош прокуратуралари томонларнинг марказий органлари этиб белгиланган.

Қайд этилганидек, мазкур Шартноманинг ратификация қилиниши маҳкум ўзига белгиланган жазони ўз давлатида ўташни давом эттиришини таъминлаш орқали уни ижтимоий реабилитация қилишни жадаллаштириш имконини беради.

Шубҳасиз, маҳкумларнинг жазони ўз давлатида ўташи уларга яқин қариндошлари билан мунтазам кўришиб туриш имкониятини бериш билан бирга маҳкумларнинг оилавий муносабатларига ижобий таъсир қилади ҳамда уларнинг ижтимоий ҳаётга мослашувини тезлаштиради.

Муҳокама якунида сенаторлар томонидан қонун маъқулланди.

➡2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

АҲОЛИ МАНФААТЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ МУҲОFAZАСИНИНГ ЎРҚИН ИФОДАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов ўтган ҳафтада юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеаларга, жумладан, шу йил 11 — 13 март кунлари Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Франция Республикасига ташрифи хусусида тўхталиб ўтди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Францияга давлат ташрифи хар томонлама манфаатли кечгани, олий даражадаги учрашувлар давомида “яшил” иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъатни ривожлантириш, рақамли ва инновацион технологиялар, энергетика, туризм, транспорт инфратузилмаси каби кўплаб соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш бўйича муҳим ҳужжатлар қабул қилингани таъкидланди. Икки давлат ўртасида Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация имзолангани, бу, ўз навбатида, узок муддатли, барқарор ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни таъминлашда муҳим ўрин тутиши эътироф этилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Париж шаҳридаги Бурбон саройида Франция Миллий мажлиси Раиси Яэль Браун-Пиве билан ўтказган учрашувда икки давлат ўртасидаги парламент-

лараро ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилгани, бу нафақат ўзаро сиёсий ва иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлашга, балки маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришга ҳам хизмат қилиши таъкидлаб ўтилди. Айни вақтда парламентлараро муносабатларни ривожлантиришда фаол бўлиш, ташриф давомида эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этиш учун ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш ҳамда парламент назорати институтларидан самарали фойдаланиш зарурлигига урғу берилди.

Мажлисда маҳкумларни ахлоқан тузатиш ишлари самарадорлигини ошириш, болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатишни янада яхшилашга қаратилган қонун лойиҳалари атрофида муҳокама қилинди.

➡3

СИЁСИЙ ИРОДА ТАНТАНАСИ

Қудратилла Рафиқовнинг «Кутиб ол, дунё...» мақоласини ўқиб...

Бугунги нотинч ва таҳликали замонда нафақат дўст, ҳатто ҳамкор топиш, ўзгаларни ўзинига ишонтириш, ортигидан эргаштира олиш осон иш эмас. Қилаётган ишингга, бошлаган ташаббусларингга дунёни хайрихоҳ эта олиш учун жуда катта меҳнат, сиёсий ирода талаб қилинади. Бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев юксак билим ҳамда салоҳияти, ватанпарварлиги, ислохотчилиги, ташаббускорлиги, жасорат ва матонати билан ана шундай мақсадларга эришмоқда.

■ Акс садо

“Халқ сўзи” газетасининг шу йил 14 март сонидида таниқли жамоат арбоби, сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг чуқур таҳлилларга ва бой кузатувларга асосланиб ёзилган “Кутиб ол, дунё...” мақоласини ўқирканман, ҳаёлимдан беихтиёр ана шундай фикрлар ўтди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини юксакларга кўтараяётган, халқимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун тинмай

ишлаётган, жаҳондаги кадр-қимматимиз ва ор-номусимиз учун курашаётган давлатимиз раҳбари билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Машҳур тарихчи ҳамда сиёсатшунос Жон Смит айтганидек, “Мамлакат тараққиёти нафақат унинг иқтисодий ўсиши, балки жаҳон миқёсида тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш қобилияти билан ҳам ўлчанadi”. Бу қайфият, айниқса, бугунги Ўзбекистонга низоҳатда мос келади.

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ Кўриб чиқилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 март куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари яқинлашиб келаётган баҳор айёми — Наврўз муносабати билан бир-бирларини самимий кутлаб, биродар Ўзбекистон ва Қозоғистон халқларига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равақ тиладилар.

Ўзбекистон — Қозоғистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари батафсил муҳокама қилинди.

Савдони кўпайтириш, саноат кооперацияси, транспорт, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа

соҳаларда, шу жумладан, ҳудудлар даражасида амалий ҳамкорлик бўйича лойиҳаларни илгари суриш мақсадида ўзаро мувофиқлашган чоралар кўриш муҳимлиги қайд этилди.

Шу кунларда Қозоғистон шаҳарларида ўтаётган қўшма маданий-гуманитар тадбирларга юксак баҳо берилди.

Етакчилар бўлажак олий ва юқори даражадаги икки ва кўп томонлама тадбирлар режасини, шу жумладан, “Марказий Осиё плюс” форматидаги саммитларга тайёргарликни кўриб чиқдилар.

Қўшма лойиҳаларнинг БОРИШИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров 18 март куни телефон орқали мулоқот қилдилар.

Етакчилар яқинлашиб келаётган баҳор ва янгиланиш байрами — Наврўз муносабати билан бир-бирларини самимий кутлаб, биродар халқларимизга тинчлик-осойишталик ва фаровонлик тиладилар.

Ўзбекистон етакчиси Қирғизистон Президентини музокаралар муваффақиятли якунлангани ва Қирғизистон — Тожикистон давлат чегарасини делимитация қилиш тўғрисидаги шартнома имзолангани билан ҳам табриклади.

Олий даражадаги келишувларни, энг аввало, савдо, саноат кооперацияси, логистика, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, туризм ва

бошқа устувор йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Транспорт-транзит ва энергетика инфратузилмасини ривожлантириш бўйича йирик минтақавий лойиҳаларни жадаллаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон етакчилари бўлажак олий даражадаги ҳамда ўзаро томонлама учрашувга, шунингдек, Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган “Марказий Осиё — ЕИ” саммити ва Иқлим форумига тайёргарлик кўриш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

ИККИ ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАР ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 март куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида давлат раҳбарлари яқинлашиб келаётган Наврўз байрами муносабати билан бир-бирларини самимий кутлаб, мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва муваффақиятлар, биродар халқларимизга тинчлик-осойишталик ва равақ тиладилар.

Президентимиз Тожикистон етакчисини музокаралар муваффақияти якунлангани ва Тожикистон — Қирғизистон давлат чегарасини делимитация қилиш тўғрисидаги шартнома имзолангани билан ҳам табриклади.

Олий даражада қабул қилинган битим ва келишувларни амалга

ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Фаол сиёсий мулоқотни давом эттириш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларида кооперация лойиҳаларини, жадал маданий-гуманитар ва ҳудудлараро аламининг дастурларини қўллаб-қувватлаш ва илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

Март ойи охирида Тожикистонда бўлажак уч томонлама учрашувга ҳамда жорий йил апрель-май ойларида мамлакатимизда ўтадиган “Марказий Осиё плюс” форматидаги саммитларга тайёргарлик кўриш масалалари кўриб чиқилди.

Ў.А.

➡4

